


ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИСЛОМ МОЛИЯСИ ДОИРАСИДА КРАУДФАНДИНГ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жонимқулов Муроджон Ғайрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академиями тингловчиси

Краудфандинг молиявий тармоқда банклар каби расмий молия муассасаларининг аралашувисиз молия маблағларини бевосита сармоядорлардан қарз олувчиларга йўналтиришнинг инновацион усули сифатида пайдо бўлди. Краудфандинг платформаларига эҳтиёж 2008 йилдаги молиявий инқироздан кейин банклар ва бошқа расмий молия институтлари бизнес секторини, хусусан, микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда инновацион стартапларни молиялаштиришни қисқартирганидан сўнг пайдо бўлди. Краудфандинг платформаси 2000 йилларнинг охирида пайдо бўла бошлаган бўлса, ўн йил ичида ушбу норасмий / ноанъанавий молия манбаси жадал ривожланди. Краудфандингнинг ишлаш услуби шундайки, маблағдан фойдаланувчилар (мблағ олувчилар) ўз лойиҳалари, маҳсулотлари ёки инновацион бизнес ғояларини ёки ҳар қандай бошқа режаларини сармоя жалб қилиш мақсадида эълон қилади. “Краудфандинг” платформаси зарур текширувларни ўтказди ва агар натижалар қониқарли бўлса, ўз лойиҳаларига молиявий ресурсларни жалб қилиш истагида бўлганларга ўз лойиҳалари бўйича барча керакли маълумотларни юклаш имконини беради. Инвесторлар эълон қилинган ва ўзларини қизиқтирган лойиҳа, маҳсулот ва инновацион бизнес ғояга сармоя киритади. Краудфандинг бўйича бундай саъй-ҳаракатлар тўрт тоифага бўлинади:



**1-расм. Инвестиция лойиҳаларини краудфандинг асосида
молиялаштиришдаги саъй-ҳаракатлар гуруҳланиши¹**

¹ Муаллиф ишланмаси

Сўнгги пайтларда краудфандинг ислом молияси доирасида ҳам қўлланила бошлади. Ислом краудфандингида энг кўп тарқалган ва кўп қўлланиладиган услублар шерикчилик сармояси ҳамда қарзга асослангандир. Улар бунда шерикчилик сармоясига асосланган краудфандинг учун Мудараба ва Мушаракадан фойдаланган ҳолда, қарзга асосланган шаръий краудфандинг учун эса Муробаҳа битимидан фойдаланган ҳолда қўлланилади. Бироқ, краудфандинг ҳозирча шаклланиш босқичидадир. Шунга қарамай, Индонезия шароитида банк муассасалари (хоҳ анъанавий, хоҳ ислом банки бўлсин) тўлдира олмаган МКЎБ субъектларини молиялаштиришдаги бўшлиқни тўлдиришда исломий краудфандинг муҳим ўрин тутат бошлади. Бундан ташқари, сармоядорларнинг нуқтаи-назарида, Инвестицияларнинг даромадлилиги (рентабеллиги) – Return on Investment (ROI) жиҳатидан краудфандинг платформаси Индонезиядаги ислом банкларига қараганда (айниқса тижорат соҳасида ва қишлоқ худудларда) жозибали ҳисобланади. Мисол учун “2022 йил ҳолатига кўра, краудфандинг сармоядорлари 12-18 % даромад (ROI) олишган бўлса, ислом банкларида бу кўрсаткич 5-6 фоизга ва қишлоқ ислом банкларида 9-12 фоизга тенг бўлган”².

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда маҳаллий МКЎБлар Индонезия МКЎБ вакиллари сингари расмий ёки анъанавий манбалардан ўз молиявий маблағларини жалб қилишда шунга ўхшаш муаммоларга дуч келмоқдалар. МКЎБни молиялаштиришдаги бўшлиқни тўлдиришда истиқболли молия манбалари сифатида муҳим ўрин тутиши мумкинлиги айtilган бўлса-да, ушбу муассасаларни молия тизимига киритиш нисбатан узоқ келажакда ўз натижасини беради. Краудфандинг (ислом молияси талабларига мос бўлган кўринишда) эса аксинча, қисқа вақт ичида микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштиришдаги бўшлиқни тўлдиришда жуда самарали бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ислом краудфандинг платформалари орқали маблағларни жалб қилиш чикимлари, банклар ва бошқа расмий молия муассасалари томонидан молиялаштирилаётганда, МКЎБ корхоналари дуч келадиган харажатлардан анча кам бўлади. Хусусан, ўрта ва кичик бизнес корхоналарининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш доирасида улардан гаров таъминоти талаб қилинмайди ва шу сабабли улар гаров билан боғлиқ харажатлар қилишмайди. COVID-19 билан боғлиқ карантиндан кейинги даврда, краудфандинг микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз бизнесларига янги сармоя маблағлари жалб қилиш ва шу орқали ўз бизнес фаолиятларини янада ривожлантиришда ҳал қилувчи ва самарали восита бўлиши мумкин. Бу эса Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳага оид инвестиция лойиҳаларини

² Ali, Isahaque and Hatta, Zulkarnain A. (2022). “Zakat as a Poverty Reduction Mechanism Among the Muslim Community: Case Study of Bangladesh, Malaysia and Indonesia”. Asian Social Work and Policy Review 8, pp. 59-70. Available from

молиялаштиришни диверсификация қилишни ривожланишига кўмаклашади. Ислом краудфандингидан ижобий натижалар олиш учун қуйидаги тавсиялар берилади:

- Ўзбекистонда ислом краудфандинги фаолият юритиши учун шу жараёни тартибга солувчи қонунлар қабул қилиниши керак, бу чет эллик краудфанд ташкилотчи/асосчиларига ҳам сармоя киритиш имконини беради;

- Ҳукумат Ислом краудфандинг платформаси Ўзбекистонда фаолият юритишига оид қонун-қоидалар бўйича батафсил кўрсатмалар ишлаб чиқиши лозим;

- Ноқонуний даромадларни қонунийлаштиришга ҳаракат қилувчи шахс ёки гуруҳлар (легализация қилувчилар), турли фирибгарлар ёки Ўзбекистон ҳудудида ноқонуний деб белгиланган ҳар қандай фаолият олиб боровчилар томонидан краудфандинг платформалари суистеъмол қилинишини олдини олиш мақсадида, “Ўз мижозингизни билинг” (Know Your Customer - KYC) дастури доирасида томонлар (яъни сармоядор ва маблағ жалб қилувчилар) бизнес фаолияти таҳлил қилиниши зарур;

- Маҳаллий ислом краудфандинг платформаси орқали маблағ жалб этишда маҳаллий маблағ қидирувчиларга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ, чунки бу мамлакатимизда тадбиркорликни ривожланишига хизмат қилади;

- Турли молиявий қаллобликларни олдини олиш мақсадида краудфандингни назорат қилиш қийин бўлган кўринишларидан (масалан Телеграм ёки Фейсбук каби) фойдаланиш ўрнига, рўйхатдан ўтган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ташкил қилиб, улар иштирокида краудфандинг платформалари тузиб ишлаш мумкин.

Ислом краудфандингининг қайси кўриниши (тури)ни қўллаш мумкин деган саволга келадиган бўлсак, Ўзбекистонда қуйидаги кўринишларидан фойдаланиш мумкин:

Шерикчилик асосидаги шакли: краудфандингнинг бу шакли микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари (МКЎБ), шунингдек, инновацион стартаплар учун кўпроқ мос келади. МКЎБ корхоналари ислом краудфандинг платформасида ўз бизнесларини ривожланиш мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Стартап ҳолатидаги лойиҳалари бўлган тадбиркорлар ўзларининг бизнес ғояларини сармоядорларга етказишади. Ўз навбатида сармоядорлар ўз маблағларини уларни қизиқтирган бизнес-ғоялар ёки лойиҳаларга тикишади (йўналтиришади). Краудфандингнинг ушбу шакли доирасида икки хил шаръий битим қўлланилиши мумкин. Бири – Мушарака, иккинчиси – Мудараба. Мушарака шартномасига биноан, краудфандингнинг барча иштирокчилари мулк эгаси ёки маблағ қидираётган МКЎБ субъекти билан биргаликда шериклар вазифасини бажарадилар. Бунда, маблағ изловчи ҳам улуш қўшади. Ислом краудфандинг

платформаси вакил вазифасини бажаради ва ушбу молиялаштириш амалиётини осонлаштиради. Мудараба шартномаси моделига келсак, сармоядор(лар) маблағ берувчи (Раб ул-маал), маблағ қидирувчи эса бизнес лойиҳани бошқарувчиси (Мудориб) бўлади. Мушарака моделидан фарқли ўлароқ, Мудориб ҳеч қандай молиявий улуш қўшмайди. Лойиҳа учун талаб этиладиган маблағнинг ҳаммаси сармоядор-иштирокчилар (Раб ул-маал) томонидан киритилади. Молиялаштиришнинг бу усули стартап лойиҳалари ташаббускорлари бўлган тадбиркорлар учун кўпроқ мос келади.

Қарзга асосланган шакли: краудфандингнинг бу шакли асосан МКЎБ томонидан лойиҳаларни молиялаштириш учун ишлатилади. Бунда асосан Муробаҳа деб номланувчи ислом молия битими ишлатилади. Бунда краудфандинг иштирокчилари (сармоядорлар) Вакала деб номланувчи шартнома имзолаш орқали маблағ қидирувчи (лойиҳа ташаббускори)ни ўзларининг вакиллари этиб тайинлашади. Лойиҳа ташаббускори иштирокчи сармоядорлардан пул йиғади ва лойиҳа учун зарур бўлган нарсалар (активлар)ни сотиб олади ва уларни ўз ихтиёрида қолдиради. Кейинчалик, иштирокчилар (сармоядорлар) ва лойиҳа ташаббускори олди-сотди шартномаси имзолашади ва лойиҳа доирасида сотиб олинган мулк (актив)ни устига муайян фойда (устама) қўйиб, лойиҳа ташаббускори (эгаси)га бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишади. Краудфандингнинг ушбу шакли лойиҳаларни молиялаштиришда ва кичик фирмалар учун улар ўз бизнесларига зарур бўлган ускуналарни сотиб олишда кўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. AAOIFI, “Financial Accounting Standard (FAS) 14: Investment Funds”; “FAS 50: Investment Institutions” (2024).
2. IFSB, “Guiding Principles on Governance for Islamic Collective Investment Schemes (IFSB-6)”, 2009; “IFSB-30 (2023/2024)” — IIFS uchun korporativ boshqaruv prinsiplari (mos jihatlar).
3. Bursa Malaysia, “Shariah-compliant Real Estate Investment Trusts (i-REITs)” va “Purification” bo'yicha yo'riqchi materiallar.
4. Aminova, N. U. Q., Zukhurova, M. S. Q., & Tulagankhujaeva, I. S. Q. (2021). INVESTMENT PROCESS AND INVESTMENT POLICY. Science and Education, 2(2), 219-225.
5. Aminova, N. U. (2021). Development of foreign economic activities in the republic of uzbekistan through attracting foreign investment. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(8), 216-221.
6. Qizi, A. N. U. (2023). ISSUES OF FINANCING OF INVESTMENT PROJECTS ON THE BASIS OF SYNDICATE LOANING. Open Access Repository, 10, 8-14.

7. Aminova, N. XORIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH ORQALI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH. Ўзбекистон республикаси суғурта бозори учун кадрлар тайёрлашнинг ҳозирга ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари, 132.

8. B. Gupta et al., "Channel Modelling for Holographic MIMO-Enabled IOT Devices in 6G Networks," in IEEE Transactions on Consumer Electronics, doi: 10.1109/TCE.2025.3594902

9. Nilufar Aminova. (2024). Loyihalarni Islom modeli asosida moliyalashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari. Yashil Iqtisodiyot Va Taraqqiyot, 2(4), 9–16